

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 10 июль • № 27 (1048)

«Хамшира – 2015»

Фарғона вилояти

МУВАФФАҚИЯТ — БУ ИЗЛАНИШ, ШИЖОАТ ВА ФИДОЙИЛИКНИНГ МАҲСУЛИДИР

Йил сайин чирой очиб, ажиб тароватга бурканаётган юрти- мизнинг гўзаллиги, фаровонлиги қалбларга қувонч бахш эт- моқда. Айниқса, серқуёш Ўзбекистонимизга ташриф буюраёт- ган хорижликлар тобора равнақ топиб бораётган мамлақати- мизда амалга оширилаётган улкан ишларга юқори баҳо бериб, ҳар бир соҳадаги ўзгаришларни эътироф этмоқдалар. Шун- дай экан, бу нафақат республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижаси, балки халқимиз манфаати ҳамда турмуш фаровонлиги йўлида қили- наётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси ҳамдир. Жумладан, ана шундай диққатга молик ишлар Фарғона вилоя- тида ҳам яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, 2015 йилнинг 8- 11 июль кунлари Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республика- си Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимли- ги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимла- ри касабга уюшмаси Республика Кенгаши, Ўзбекистон «Ка- молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкор- лигида «Хамшира – 2015» республика кўрик-танловининг яку- ловчи босқичи бўлиб ўтади.

Хамшира... бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибаларининг беминнат хизматидан баҳраманд бўлмаган киши топилмаса керак. Қалби дарё, беморлар дардига малҳам бўлаётган, тунларни тонгларга улаб, тиним билмай- диган саломатлик посбонларининг фидойилигига тан берсак арзийди. Шунини алоҳида эъти- роф этиш муҳимки, уларнинг касбий маҳорати ҳамда фаолли- ги тобора ошиб бормоқда. Дав- латимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган ҳар бир фармон ва қарорнинг ижросини таъмин- лашда хамшираларимизнинг ўрни бекиёслигини айтиб ўтиш жоиздир.

Мустақиллик шарофати би- лан хамширалар меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг оила ва жамиятда ўз ўрни борлигини кўрсатди, де- сак муболаға бўлмайди. Жум- ладан, хамширалик ишининг нуфузи бугунга келиб, замона- вий кўриниш кашф этди. Айниқ- са, Юртбошимиз ташаббуси би- лан тиббиёт олий ўқув юртла- ри қошида олий маълумотли хамширалар факультетлари-

нинг очилиши, улар меҳнатини қўллаб-қувватловчи кўрик-тан- ловларнинг ўтказилиши, 12 май – Халқаро хамширалар кунининг республика миқёсида тантанали нишонланиши мамлақатимиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 300 мингга яқин хам- ширалар фаолиятига бўлган юк- сак эътибордан далолатдир. Шу ўринда мамнуният билан таъ- кидлаш лозимки, кўп йилдан буён республика миқёсида ўтказиб келинаётган «Хамшира» кўрик-танловининг таъсир дои- раси тобора ошиб бормоқда. Босқичма-босқич амалга оши- рилаётган (шаҳар, туман, вилоя- т, республика) мазкур танлов- да ўзининг билими, маҳорати ва юсак истеъдоди билан астойдил меҳнат қилаётган хамширалар беллашадилар. Ҳар йили «Хам- шира» кўрик-танловида қатна- шиш насиб этган хамширалар бешта шарт бўйича ўз билим ва тажрибаларини синаб кўрадилар. Маълумки, **биринчи шарт** бўйича: хамшира ташрифи, ик- кинчи ва учинчи шартларда улар- нинг назарий ва амалий билим- лари, тўртинчи шартда ижтимо-



ий-сиёсий жиҳатдан фаоллиги ҳамда бешинчи шарт бўйича эса эркин мавзудаги чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан одилона ба- ҳоланади. Зеро, кенг аудитория- даги бу кўрик-танловда республи- ка миқёсига чиқишнинг ўзи катта бахт бўлса, кўп сонли қатнашчи- лар нигоҳида, яъни катта саҳнада куч синашишнинг ўзи бўлмайди. Унинг ортида машаққатли меҳнат ва касбга бўлган фидойилик ётади...

2015 йилнинг 8 июль куни «Хамшира – 2015» **республи- ка кўрик-танлови иштирокчи- лари** мазкур тадбирга мезбон- лик қилаётган Фарғона тиббиёт- чилари томонидан қизғин кутиб олинди.

9 июль куни хамширалар **Республика шошилиқ тез тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида** танловнинг учинчи шarti, яъни амалиёт бўйича ўз билим ва таж- рибаларини хамширалик иши- нинг энг мураккаб жараёнларида синовдан ўтказдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, қабулга ке- лаётган ҳар бир беморга танлов иштирокчилари томонидан тез- кор, яъни биринчи ёрдам кўрса- тилди. Бундан ташқари, амалиёт жараёнида хамширалардаги зук- колиқ, эпчиллик, шунингдек, са- нитария ва гигиена, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш, касалликни ташхислаш давомидаги муомала маданияти ва

биринчи ёрдам кўрсатиш ҳакам- лар ҳайъати ҳамда кузатувчилар томонидан инobatга олиб бо- рилди. Бир сўз билан айтганда, туман, шаҳар, вилоят босқичла- ридан республика босқичига етиб келган хамширалар иши- ни кузатиб, ҳақиқий замонавий хамшира қиёфасини кашф эта олган фидойи касб эгаларини кўрдик, десак янглишмаган бўла- миз.

Ибодат СОАТОВА.
Тошкент – Фарғона.
Муаллиф олган суратлар.
(Мазкур «Хамшира – 2015» республика кўрик-танлови- нинг якуний босқичи хусусида газетамизнинг кейинги сониди батафсил танишасиз).



Илмий салоҳият

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ЖАҲОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилаётгани кўплаб соҳаларда эришилаётган ютуқлар мисолида кўриниб турибди. Айниқса, тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг дунё миқёсида эътироф этилаётгани барчамизнинг кўнглимизга фахр-ифтихор туйғусини солади.

Юртимиз онкология тизимида ёш шифокор-олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, уларнинг халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида амалга ошираётган илмий ва амалий изланишлари ҳақида кенг жамоатчилик билади ва кузатиб келмоқда. Мамлакатимизда ўсма касалликлари билан оғриган беморларни ташхислаш, даволаш, назорат қилиш, ушбу хасталикларнинг олдини олиш жараёнига масъул бўлган онкология тизимида

ликларини ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволашда мутахассисларни бир мақсад йўлида жипслаштириш талаб қилинади. Ёш онкологлар ассоциацияси ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, унга иқтидорли ёш онколог-олим, катта илмий ходим-изланувчи Шароф Бобоқулов раислик қилиб келмоқда. Тузилма ўзининг аниқ режасига эга. Ҳар йили турли вилоятларда ёш онко-



изланувчиларимизга энг сўнгги тиббиёт янгиликлари билан ўз вақтида танишиш имконини бермоқда.

Республика онкология илмий маркази ёш олимлари дунёнинг етакчи клиникалари ва ташкилотлари билан узвий алоқа ўрнатишган. Охириги 5 йилда марказнинг 60 нафар ёш мутахассиси Франция, Швейцария, Австрия, Испания, Италия, АҚШ, Сингапур, Финляндия, Индонезия, Нидерландия, Туркия ва бошқа давлатларда тажриба алмашиб келишди, 16 нафар ёш олим эса АҚШ, Франция, Сингапур, Герма-

меда саратонида жарроҳлик амалиётидан сўнг сунъий меъда резервуарини ясаш бўйича олиб борган илмий тадқиқотини дунё миқёсида маълум қилди ва юксак эътирофга сазовор бўлди.

Марказ маъмуриятининг ёш мутахассисларга хайрихоҳлиги, талабчанлиги, уларнинг илмий лойиҳаларига бош-қош бўлаётганлиги халқимизнинг асрий аънанасти – устоз-шогирдликнинг бугунги кўринишидир, аслида. 2015 йилнинг 14-16 май кунлари юқори савияда ташкил этилган Республика онкологларининг III Конгрессида мамлакатимиз онкология тизимида амалга оширилган ишларга хорижлик олимлар томонидан катта баҳо берилди ва Ўзбекистон онкологлари ассоциацияси Мустақил Давлат-



ижобий ютуқларга эришилмоқда. Бу хилдаги касалликларни даволаш жараёни билан пойтахтимиздаги Республика онкология илмий маркази шифокорлар жамоаси шуғулланиб келмоқда. Бундан ташқари, онкология тизими 16 та йирик диспансер (вилоят, шаҳар ва республика диспансерлари) ва туман ҳамда шаҳар поликлиникаларидаги 271 та онколог хонасини ўзида мужассамлаштиради. Жами 2165 та онкологик ўрин мавжуд бўлиб, шундан 145 таси болаларни даволаш учун мўлжалланган.

Марказ онкологик касалликлар диагностикаси ва даволаш соҳасида МДХ давлатлари ичида энг йирик муассасалардан бири бўлиб, айни кунда 18 нафар фан доктори (шундан 6 нафари профессор), 55 нафари фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Марказда ёш мутахассислар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши қувонарли ҳолдир. 31 нафари онкология йўналишини чуқур ўрганиб келаётган ёш шифокор бўлса, 151 нафар ўрта ва 49 нафар кичик тиббий ходим сифатида беморларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Сир эмаски, аҳоли ўртасида кўп учраётган ўсма касал-

логлар конференциясини ўтказиш ассоциация раҳбариятининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Конференцияларнинг юқори савияда ташкил қилиниши ҳисобига нафақат онкология тизими, балки бошқа илмий марказлар, тиббиёт олий таълим муассасаларидан ҳам ёш олимларнинг долзарб мавзудаги ўз маърузалари билан фаол иштирок этишлари аънана тусига кириб қолди.

Бунинг махсули сифатида даволашнинг юқори технологик усуллари амалиётга кириб келди:

- кенгайтирилган гастроэктомиядан кейин бир вақтнинг ўзида ингичка ичакдан резервуар ясаш (IAP20070260-сонли патент);

- анал канали саратонида тўғри ичакда амалиётдан кейин неосфинктер ясаш;

- онкогинекологияда аъзо сақловчи амалиётлардан сўнг илмий асосланган ҳолда гормон ва онкомаркерларни қўллаш;

- кўкрак беши саратонида мастэктомиядан кейин бир вақтнинг ўзида турли пластик амалиётларни бажариш;

- буйрак саратонида аъзо сақловчи амалиётларни бажариш;

- қовуқ саратонида цистэктомиядан кейин бир вақтнинг ўзида сунъий қовуқ ясаш;

- қизилўнғач саратонида абдоминоцервикал экстирпациядан сўнг янги эзофаго-еюно анастомоз қўйиш;

- видеоторакокопик ва лапароскопик амалиётлар бажариш;

- суяк-бўғим ўсмаларида аъзо сақловчи амалиётларни бажариш ва эндопротезларнинг янги турларини қўйиш.

Изланиш ва тадқиқотлар тўхтаб қолгани йўқ. Маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан тайёрланувчи саратонга қарши янги доривор воситаларни ишлаб чиқишга киришган марказимиз тадқиқотчиларининг прополон алкалоидларига оид изланишлари ижобий натижаларни берди: ҳозиргача синтез қилинган 50 дан ортиқ воситадан 27 таси АҚШнинг Миллий саратонга қарши курашиш институтида (NCI) 60 нафар беморга нисбатан in vitro шароитида цитостатик ва цитолитик фаолликда текшириб кўрилди. Ўсмага қарши воситаларнинг фаоллиги in vivo шароитида мукамал текширилганидан сўнг 5 та фаол бирикма танлаб олинди: дэкоцин, дэковин, К-48, К-42 ва колхиприт (К-20).

Хавфли ўсмаларнинг молекуллар-генетик хусусиятларига бағишланган илмий изланишлар ҳам жадал олиб борилмоқда. Беморларда HLA-фенотип ва хромосом аномалиялар ўрганилиши асосида хасталикни эрта аниқлаш ва клиник ҳамда гистологик ташхислар тафовути кузатишганида, дифференциал-ташхислаш имконини берувчи скрининг дастур ишлаб чиқилди.

Марказимиз кутубхонасида босма ва электрон китоблар фонди мавжуд бўлиб, онкология соҳасига оид деярли барча адабиётларни топиш мумкин. Фонд ёш олим-изланувчиларнинг билим даражасини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Кутубхона тиббиёт ва онкология соҳасига оид жаҳоннинг етакчи газета ва журналлари билан мунтазам таъминлиби турадими, бу



ния, Жанубий Корея, Австрия, Чехия, Россия халқаро грантлари асосида малака оширишди. Ҳар йили марказга 50 дан ортиқ чет эллик етук мутахассислар ташриф буюришади. 30 фоиздан ортиқ ёш мутахассисларнинг инглиз тилида бемалол мулоқот қила олиши ҳамкасбларимизни лол қолдиради. Хорижий мутахассислар иштирокида ўтказилаётган назарий ва клиник онкологиянинг долзарб муаммолари бўйича 10 дан ортиқ илмий-амалий форум ва семинар-тренинг ўтказилиши ёш олимларнинг тажрибаси ва илмий дунёқарашини кенгайтирмоқда. Республика онкология илмий маркази чет эллик етакчи олимлар иштирокида инглиз тилида анжуманлар ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга моликдир. Бунга француз, япон, немис ва корейс мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган халқаро анжуманларни мисол қилиб келтирсак бўлади. Сўнгги уч йилда Франция ва АҚШ давлатларида бўлиб ўтган нуфузли анжуманларда жами 4 мартаба биринчи ўринни эгаллаган марказимиз олимлари билан фахрланамиз. 2012 йилнинг февраль ойида Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган онкологлар анжуманида марказ ёш олим-изланувчиси Дилшод Эгамбердиев ўзининг

лар Ҳамдўстлиги онкологлар ассоциацияси раиси, академик М. И. Давидов томонидан Н. Н. Блохин номидаги онкология илмий марказининг энг юксак унвони – олтин медал билан тақдирланди.

Изланувчан, иқтидорли, ўз миллати ва давлатининг ривожини йўлида билим ва салоҳиятини аямайдиغان ёшларга ҳар биримиз ишонамиз. Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори айнан ана шу мақсадга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, унинг умрини узайтиришдек эзгу ишда ўз ўрнини топиб олган марказимизнинг ёш онкологлари хасталикнинг бу турига қарши курашиш тизимини янада мустаҳкамлаш, мукамаллаштиришда фаол иштирок этадилар, дея умид қиламиз.

Олим ИМОМОВ,
Республика онкология илмий марказининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди.

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

«Я уроженка города Ташкента, мне 84 года, хотелось бы выразить благодарность всему коллективу Республиканского центра микрохирургии глаза за идеальный порядок, прекрасный уход за больными, внимание и доб-

роту, бережное отношение к пожилым людям. Хочу выразить особую благодарность врачам Замире Фазыловой за психо-

логический подход к пациенту, который помог мне перенести операцию и ничего не бояться. У Замиры Фазыловой

«золотые» руки, я восхищена ее профессионализмом, а также участием всех сотрудников Центра.

Желаю им всем здоровья, счастья, благополучия и успехов в труде».

А. ГАЛЯМОВА,
г.Ташкент.

Агар сизда саволлар, фикр-мулоҳаза ва таклифлар бўлса, қуйидаги телефон рақами ва электрон манзилларимизга мурожаат қилишингиз мумкин:
(8-371) 233-13-22,
info@uzssgt.uz,
uzss@yandex.ru

Медицина нашего времени

ИСКУССТВО ИСЦЕЛЯТЬ

Многим из нас знакомы заболевания, относящиеся к группе ревматических и являющихся довольно распространенными. Однако мало кто знаком с полной картиной течения этих хронических заболеваний, которые при несвоевременном лечении могут привести к тяжелейшим последствиям. Устранить последние и поддерживать длительно состояние ремиссии у пациента способны только высококвалифицированные врачи. Именно такие специалисты работают в Республиканском ревматологическом центре при I-й клинике ТМА.

Морфологической основой всей группы ревматических болезней служит системная прогрессирующая дезорганизация соединительной ткани, которая складывается из 4-х фаз: мукоидного набухания, фибриноидных изменений, воспалительных клеточных реакций и скле-

меостаза в виде реакций гиперчувствительности немедленного и замедленного типов;
- системное поражение соединительной ткани;
- генерализованный васкулит;
- хроническое волнообразное течение с обострениями и ремиссиями.

Джамшид АБДУНАЗАРОВ,
пациент, 25 лет, город Ташкент:

«В прошлом году я первый раз обратился в Республиканский ревматологический центр с болью в коленном суставе. Врачи поставили диагноз – реактивный артрит тонзиллогенной этиологии. Пролечившись здесь, забыл о своей болезни и совсем не чувствовал боли в колене. Но, в этом году после перенесенной мной диареи боль опять появилась и пришлось обратиться за помощью к врачам. Чувствовал себя очень плохо, почти не мог ходить. Но, теперь уже намного легче, самостоятельно передвигаюсь без посторонней помощи. Надеюсь на скорейшее выздоровление. Мне необходимо быть в форме. Ведь впереди – защита магистерской диссертации в Ташкентском Государственном аграрном университете».

роза. Несмотря на наличие общих характерных изменений, возникающих в патогенезе всех болезней этой группы, клинико-

Группа ревматических болезней включает:

- ревматизм;
- ревматоидный артрит;



морфологические особенности каждой из ревматических болезней обусловлены преимущественным поражением того или иного органа.

Ревматические болезни – группа заболеваний, характеризующаяся системным поражением соединительной ткани и сосудов, обусловленными в основном иммунными нарушениями.

Общими признаками всей группы болезней являются:

- хронический инфекционный очаг;
- нарушения иммунного го-

- системную красную волчанку;
- системную склеродермию;
- узелковый периартрит;
- дерматомиозит;
- синдром Шегрена;
- анкилозирующий спондилоартрит.

В октябре 1991 года на базе клиники ТМА для лечения больных с ревматическими заболеваниями был открыт Центр СКАЛ (Специализированного курса амбулаторного лечения). Функцию же Республиканского ревматологического центра данному Цент-

ру передали через четыре года в 1995 году. Расширение штата сотрудников позволило максимально охватить диагностированием и своевременным необходимым лечением больных с данными патологиями со всех уголков Узбекистана. Сегодня, как рассказала нам заведующая Республиканского ревматологического центра Севара Залиева, обращаемость пациентов с ревматическими заболеваниями в Центр составляет – 40-45 тысяч человек в год. В основном, это больные с диагнозом ревматоидный, реактивный артрит, псориотическая и узловая эритема, болезнь Бехтерева, остеоартроз, подагра, а также хронические ревматические болезни сердца и системные заболевания соединительных тканей. К последним относятся системная красная волчанка, системная склеродермия, системный васкулит и другие. Примечательно, что большинство ревматических заболеваний развиваются в молодом возрасте, что приносит пациентам большие страдания и может лишить их трудоспособности. В последнее время, как отмечают сотрудники Республиканского ревматологического центра, наблюдается рост суставных патологий. Это связано с рядом причин – наследственные патологии, хронические воспалительные очаги, вирусная этиология и многое другое.

Бывают случаи, когда определить грозное заболевание на ранних стадиях сложно. И, здесь на помощь врачам Республиканского ревматологического центра приходят не только профессиональные навыки и богатый накопленный годами практический опыт работы, но и весь спектр современных лабораторных служб ТМА (клинико-биохимическая лаборатория, рентген, электрокардиограмма, денситометрия и УЗИ, в том числе УЗИ суставов). Кроме того, сотрудники Центра всегда работают совместно с врачами других кафедр ТМА, что позволяет подходить к диагностике и лечению ревматических заболеваний комплексно, а также под руководством главного ревматолога Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, профессора Машхуры Исамухамедовой.

– К нам довольно часто поступают больные, особенно из областей республики, с неясным диагнозом (например, лихорадка неясного генеза), не вылеченные до конца пациенты, а также нуждающиеся в коррекции лечения, – говорит Севара Залиева. – Чем раньше будет диагностировано то или иное ревматическое заболевание и назначено адекватное лечение, тем больше шансов на эффективность лечения и достижения стойкой ремиссии в течение нескольких лет.



– Наши больные считаются хроническими, поэтому им необходимо постоянное наблюдение

герудотерапия, ЛФК.

Находить новые, наиболее эффективные методы в лечении

Кизларсара УТАЕВА,
пациентка, 50 лет, Сурхандарьинская область:

«В районной поликлинике, где я живу, 10 лет назад мне поставили диагноз – полиартрит. С тех пор я прохожу профилактическое лечение в Республиканском ревматологическом центре (каждые 3-6 месяцев), наблюдаюсь у замечательного врача Эъзозы Исаковой. Вначале у меня было очень сильное воспаление, но сейчас чувствую себя намного легче. Рекомендации врача помогают мне поддерживать свое здоровье, что для меня очень важно».

врачей, – дополняет врач-ревматолог центра Эъзоза Исакова. – Вот почему многие из них наблюдаются у нас протяжении 3-4-х месяцев или нескольких лет. Достиж хорошего терапевтического эффекта помогает антибактериальная, стероидная и несте-

ревматических заболеваний врачам центра помогает обмен опытом с зарубежными коллегами, с которыми общаются во время международных конференций, симпозиумов, конгрессов.

Однако, и сегодня, пациенты Республиканского ревмато-



роидная, глюкокортикоидная терапия, назначение противовирусных и базисных препаратов, внутрисуставные инъекции, физиотерапия, иглорефлексотерапия и

логического центра, признательны специалистам, которые помогают им избавиться от физических страданий и на длительное время победить недуг.

Ревматологический центр, созданный в период Независимости Узбекистана, сегодня достиг больших успехов в лечении даже тяжелых больных с суставными патологиями. В этом процессе большую роль играет постоянное повышение квалификации сотрудников Республиканского ревматологического центра, а также использование высокотехнологичного современного медицинского оборудования в диагностике и лечении пациентов.

Оксана КАДЫШЕВА.

Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги "Олтиариқ" оромгоҳида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган нуронийлар саломатлигини тиклаб, марокли хордиқ чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли мазкур муассасада юртимизнинг турли ҳудудларидан келган дам олувчилар шифобахш маъданли сув ҳамда ўттизга яқин физиотерапевтик муолажа орқали даволанади.

Туманнинг Қизилтепа қишлоғида жойлашган сихатгоҳ ўзининг шифобахш булоқлари, дилни яйратувчи бетакрор манзаралари, қўли энгил шифокорлари билан ажралиб ту-

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

НУРОНИЙЛАР ОРОМГОҲИ

ради. 100 ўринга мўлжалланган мазкур сихатгоҳда кексаларга сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш жараёнида минерал сув, сувости массаж муолажалари, парафин, бассейн, минерал ванналар, айланма душ, ичак ювиш, юқори частотали ток ва паст частотали электр нурларидан фойдаланган ҳолда даволаш муолажалари амалга оширилмоқда.

– Санаторийимизда саломатлигини тиклаётган фуқароларнинг асосий қисмини ёши улуг инсонлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этади, –

дейди муассаса бош шифокори Шохсанам Мамаризаева. – Улар ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан берилган бепул йўлланма асосида муассасамизда дам олади. Кексаларни эъзозлаш йилида мижозларимиз ҳар қачонгидан ҳам кўпайган ва уларга юқори сифатли, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратилган. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада

кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, ўттиз кишилик ўрин доимий тарзда мазкур тоифадаги нуронийлар учун ажратилди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган, барча қулайликларга эга ушбу хоналарда йил бошидан буён юзга яқин уруш ва меҳнат фронти фахрийси дам олиб, соғлигини тиклади. Бу ерда даволанаётган фахрийлар учун Фаргона, Марғилон, Қўқон, Андижон шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириш, ҳар куни турли анжуманлар, санъаткорлар,

кулгу усталари иштирокида концерт дастурлари намойиш этиляпти.

– Яратганга шукр, юртимизда бундай гўзал, хушманзара масканлар, дам олиш сихатгоҳлари кўп, – дейди Марғилон шаҳрилик II жаҳон уруши қатнашчиси, 85 ёшли Мухторжон ота Ўринбоев. – "Олтиариқ" сихатгоҳи менга жуда мазкур бўлди. Бу ерда ўзимни тетик ва бардам ҳис қиламан. Юртимиз тинч, обод. Биз фахрийлар доимо ҳурмат ва эъзозда яшаймиз, бундай шароит ва гамхўрлик учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Мухаммадjon МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси.
Марғилон шаҳри.

Бугуннинг мавзуси

**ЁЗГИ ОРОМГОҲДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ
ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА ҲИСОБЛАНАДИ**

2014-2015 ўқув йили ниҳоясига етиб, ўқувчиларнинг ёзги таътил даври қизгин паллага кирди. Умумтаълим фанларини ўзлаштиришга жисмонан ва руҳий-эмоционал жиҳатдан катта куч сарфлаган фарзандларимиз саломатлигини тиклаш учун ёз фасли энг қулай давр бўлиб, бу жараёнга давлат ва жамоат ташкилотлари ҳар йили пухта тайёргарлик кўради. Жорий йилда 287 минг 171 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган бўлиб, 151 минг нафари 213 та стационар, 135 мингдан кўпроғи эса 795 та кундузги оромгоҳга қамраб олинмоқда.

Оромгоҳда бола саломатлигини санитария-гигиена талаблари даражасида асраб-авайлаш асосий мақсад бўлиши керак. 2010 йил 5 августда Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач томонидан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси санитария меъёрлари, қоида ва гигиеник нормативлари”** тўлиқ ана шу мақсадга йўналтирилган асосий меъёрий ҳужжатлардан бири-

бўтқа, сарийёгли бутерброд, колбаса, какао, иккинчи таомга мевали шарбат, печенье ва конфетни тегишли миқдорда белгиланган. Тушлиқда ҳар бир болага 400 гр.дан лапша, гарнирли гуруч, 150 гр.нон, 200 гр. компот, 30 гр. бодринг тарқатдик. Полдник ва кечки овқатда ҳам белгиланган таом турларини тайёрладик. Кундалик таомнома бир хил белгиланмади, чунки кунига бир хил овқат ейиш боланинг меъдасига тегади. Табиийки, оромгоҳимиз шифоко-

ди. Гўшт, сут, парранда маҳсулотлари фермер хўжаликлари ёки тадбиркорлар билан олдиндан тузилган шартнома асосида, эпизоотик хавфсиз ҳудудлардан тамғаланган, керакли сертификатга эга бўлган ҳолда олиб келинади ва қабул қилинади. Ошхона омборига келтирилган барча озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария меъёрларига мослиги тўғрисидаги сертификат ва ҳулоса талаб қилинади. Хўжжати бўлмаган, бузилган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотларни қабул қилиш мумкин эмас. Озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш, сақлаш, ишлов бериш ва тарқатишга қўйилган санитария-гигиена талаблари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни **Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитар врач Рауф Қосимов** давом эттиради:

– Нафақат стационар оромгоҳ, балки уй шароитида тўғри овқатланишни ташкил этган бола ҳеч қандай касалликка чалинмайди. Аввало, овқатланиш учун тоза, сифатли, яроқли, янги, хавфсиз маҳсулот танланиши керак. Маҳсулотнинг сифат сертификати у ишлатилиб бўлганига қадар сақланади. Ўсмирлар ва болаларнинг оқсил, ёғ, углеводлар ва энергияга бўлган эҳтиёжи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ташкиллаштирилган болалар ва ўсмирлар муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг суткалик рационал меъёрлари”да белгиланган. Оқсил, ёғ, углеводларнинг бир-бирига нисбати – 1:1:4 бўлиши, оқсилники 50-60 фоиз, энг калорияли маҳсулот – гўшт, балиқ, сут, тухум, 20 фоиз ёғ бўлиши керак. Қабул қилинишига йўл қўйилмайдиган маҳсулотларга 2-3-тоифали гўшт; тозаланмаган товуқ, нам тортган ун, ёрма, шакар ва бошқалар, яроқлилик муддати ўтган консерва (бомбаж, хлопшўша), сифати бузилган сабзавот, мева, резаворлар, кемирувчилар зарарланган озиқ-овқат хиллари киритилган.

Маҳалий шароитни инобатга олган ҳолда ҳудудий Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан соғломлаштириш оромгоҳларида ишлатилиши мумкин булмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқат турлари рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Иссиқ обҳаво шароити бўлгани учун тез бузилувчи маҳсулотлар махсус транспортда – совутгичли транспортда 3 соатдан кўп бўлмаган, совутгичсиз транспортда эса 1 соатдан кўп бўлмаган муддатда ташилади. Санитария паспорти 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга ҳудудий ДСЭНМ томонидан берилиб, машина номери, транспорт воситасининг санитария ҳолатига жавобгар шахс исм-фамилияси, жиҳозлари ва махсус кийим борлиги кўрсатилади. Омборхонага тез бузилувчи маҳсулот келтирилганда озуканоми, сифати, миқдори, накладной рақами, ишлатиш муддати ва амалда ишлатилган вақти ёзилиши керак.

Болалар орасида юқумли касалликлар ва захарланишнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги маҳсулотларни истеъмол қилиш тақиқланган: аввалги нонушта ва кечаги кундан қолган овқат, қайнатилмаган сут, термик ишлов берилмаган творог, сметана, кўк нўхат; термик ишлов берилмаган балиқ, ачиган сут,

жойида тайёрланган турли ичимликлар, морс, квас, гўштнинг чиқиндилари, калла-поча, колбаса цехларидан чиққан диафрагма, мия, калла гўштидан рулет, қонли ва ливер колбасалари, ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт, сув паррандаларининг гўшти ва тухуми, замбуруғлар, уйда тайёрланган консерва, томат соусида тайёрланган консерва маҳсулотлари, хамирга қўшилган номаълум қўшимча кукунлар, гарнирга қўшилган концентратлар.

Оромгоҳда ҳар бир бола ҳисобига иккита комплект идиш тўғри келиши зарур. Овқат вақтида идишлар ювилмайди. Алюмин ва дюралюмин идишда овқат қисқа муддатда сақланиши мумкин. Ошхонада чинни, фарфор, мельхиор, эмаль ва зангламайдиган қулай идишлардан фойдаланишга рухсат этилади. Ёрилган, чети

шарт. Оддий қоплар, клеёнкали қоплар, ящиклар, бидон, фляга ва бошқа идишлар бўшадан сўнг тозаланиб, 2 фоизли сода эритмаси билан ювилиши керак, кейин қайноқ сув билан чайилиб, қуритилгандан сўнг ифлосланмайдиган жойларда сақланади.

Идишларни ювиш қоидалари

Идиш-товоклар 3 чаноқли ваннада ювилишдан аввал овқат қолдиқларидан яхшилаб тозаланади, биринчи чаноқда идишлар ҳарорати 50°C сувда Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган ювувчи воситалар ёрдамида щёткалар билан ювилади, иккинчи чаноқда (юқумли касалликлар ҳисобга олинган ҳолда) зарарсизлантирувчи воситалар билан ишлов берилади.

Шиша идишлар ювишдан ав-



дир. Ушбу ҳужжатнинг **“Шаҳардан ташқари болалар ёзги оромгоҳларининг жойлашуви, тузилиши ва фаолиятини ташкиллаштиришга оид санитария қоида ва меъёрлари”** бўлимида стационар оромгоҳда ўқувчиларнинг овқатланиши, дам олишига қўйилган санитария-гигиена талаблар кўрсатилган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча стационар оромгоҳларда мактаб ўқувчиларининг соғлигини тиклашда ана шу нормативларга риоя қилинмоқда.

Таомномада хилма-хил рацион

Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани хушманзара табиати, тоза ҳавоси билан машҳур. Бу ҳудудда бунёд этилган кўплаб оромгоҳлар пойтахтимизда жойлашган вазирилик, идора, корхона, очик турдаги акциядорлик компанияларига тегишли бўлиб, ёз ойларида гавжумлашади. “Автомобилчи” оромгоҳи “Тошшаҳарйўловчи-транс” уюшмасига қарашли бўлиб, ҳар йили мазкур идора ходимларининг фарзандлари таътил даврини уч босқичда ўтказмоқдалар.

Шахло ОБИДОВА, оромгоҳ бош ошпази:

– Тоғолди ҳудудида жойлашган оромгоҳимиз иккинчи мавсум учун 389 нафар болани қабул қилди. 14 кунга мўлжалланган мавсумда боланинг овқатланиш рационини тўғри ташкил қилишимиз керак. Кундалик таомнома ҳар бир кун учун алоҳида тузилади ва 4 маҳаллик овқатланиш белгиланган: нонушта, тушлиқ, полдник, кечки овқат. Мисол учун, 1 июль кунига тузилган таомномада нонуштага биринчи таом учун сутли

ри томонидан тузиладиган таомнома таркибида ўсмир организми учун зарур бўлган ёғ, оқсил, углевод, турли витамин ва микроэлементлар мавжуд. Организм зарурий миқдордаги ёғ, оқсил, углевод, витамин, минерал туз ва бошқа микроэлементларни фақат озиқ-овқат таркиби орқали олади. Оқсил аминокислоталардан ташкил топган юқори молекулали органик модда бўлиб, овқат рационининг энг муҳим таркибий қисмидир. Ёғлар ҳам катта энергия манбаи. Бир грамм ёғ парчаланганда, оқсил ва углеводларга қараганда, 2,2 маротаба кўп энергия бериши мумкин. Таркиби озиқ моддаларга бой бўлган таом ва ичимликлар тайёрлашга катта эътибор қаратмоқдамиз. Кундалик рациондан сабзавот, гўшт, тухум, сут маҳсулотлари ўрин олади. Сабзавотларни қайнаб турган сувга солиб, қопқоғи ёпиқ идишларда пиширяпмиз. Уларни ҳаддан ташқари пишириб юбориш, иссиқ плита устида сақлаш, қайта иситиш, тозаланганларини эса сувда сақлаш ярамайди. Имкон қадар болага сунъий ичимликлар эмас, балки мевали компот ва шарбатлар беришнинг таъсири катта. Организми турли озиқ моддалар билан таъминланган мактаб ўқувчилари биринчи мавсумда тўлиқ соғломлаштирилиб, ота-оналари бағрига кузатилди. Иккинчи мавсум шу кеча-кундузда ниҳоясига етказилиб, учинчи босқичда янги дам олувчиларни қабул қилиш арафасида турибмиз.

Оромгоҳда озиқ-овқат таъминоти: олиб келиш, сақлаш, ишлов бериш ва тайёрлаш

Ҳар бир оромгоҳ раҳбари мавсум бошланишидан олдин озиқ-овқат билан таъминлайдиган корхоналарни ҳамкорликка чорлай-



учган ҳамда эмали кўчган идишлардан фойдаланиш соғлиқка зарар.

Идиш ювадиган щёткалар, столни артадиган сочиқлар 15 дақиқа қайнатилган ёки 15 дақиқа 0,5 фоизли хлор сақловчи дезинфекция воситаси эритмасида сақланади. Социқлар, ювувчи воситалар, дезинфекция воситалари белгиланган идишларда сақланиши керак.

Ошхона жиҳозларини сақлаш ва тозалашга қўйилган талаб

Ошхонанинг тоза-озодлиги, фойдаланиладиган буюмларнинг санитария-гигиена талабларига мослиги стационар оромгоҳ маъмурияти олдига қўйилган муҳим талабдир. Овқатланиш блокларининг жойлашуви, жиҳозланиши тегишли корхоналарга оид санитария қоидаларга мос келиши талаб қилинади. Озиқ-овқатларга ишлов бериш столлари қопламаси яхлит зангламайдиган пўлат ёки дюралюминийдан ясаллади. Гўшт ва балиққа ишлов бериш учун стол рухланган пўлат билан ҳам қопланиши мумкин. Хамирининг столи эса текис, рандаланган, тешик ва ёриқлари бўлмаган тахтадан ясалган бўлиши талаб қилинади.

Насиба АКРОМОВА, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олий тоифали шифокори:

– Ошхонадаги барча идишлар махсус шкафта тоза-озода сақланиши керак. Маҳсулот ташийдиган транспорт ҳар куни ювилиши

вал қолдиқлардан тозаланади, биринчи чаноқда ювувчи ва дезинфекция воситалари ёрдамида ювилади, иккинчи чаноқда ҳарорати 65°C бўлган қайноқ сув билан чайилади; панжара, махсус тоқча, тешикли патнисларда қуритилади. Қошиқ-вилкалар ҳам худди шу тартибда тозаланиши керак. Ошхона қозонлари ва ускуналарини ювиш тартиби: овқат пиширадиган ускуналар икки чаноқли ваннада ювилади. Қозон овқат қолдиқларидан тозалангандан сўнг щёткалар ёрдамида ювилади ва ҳарорати 65-70°C бўлган шлангда қайноқ сув билан чайилади. Хоналарнинг тозалик анжомлари, челақ, швабра, ветошни белгиси бўлиши керак ва фақат ўз бўлинмасида ишлатилиши керак (гўшт цехи, пишириш цехи, кондитер цехи, идишларни ювиш цехи, овқатланиш зали ва ҳ.к.). Ошхонанинг барча хоналари поли, жиҳозлари, радиаторлар, деразалар чангдан тозаланади. Ишлаб чиқариш хоналари, ускуналар, столлар овқат берилгандан сўнг ҳар сафар тозаланиши керак.

Электр ва газ ёқилғи билан таъминланишида узилтишлар бўлса, овқатни махсус ажратилган майдончадаги ёзги бостирмали ошхонада тайёрлаш мумкин, атроф чанг-ғубор, шамолдан химояланиши зарур. Ўтин, кўмир захираси ва баллонли газ алоҳида хавфсиз хонада сақланади.

Дам олиш мавсуми қанчалик қисқа бўлмасин, унга катта масъулият юкланади. Фарзандини оромгоҳга ишониб жўнатган ота-оналар албатта, унинг соғ-саломат ўз бағрига қайтишини истайди. Агар барча оромгоҳларда юқоридаги тиббий ва санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя қилинса, фарзандларимиз ўз оиласига соғлигини рисоладагидек тиклаб қайтишига шубҳа йўқ.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Врач конспекти

АЛКОГОЛЛИ ПСИХОЗЛАРГА ДАВО БОРМИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари томонидан узоқ умр кўриш омиллари аниқланган. Зарарли одатлар – чекиш, ичиш инсон умрини қисқартирувчи омил эканлиги сир эмас. Айниқса, спиртли ичимлик нафақат ички аъзоларга зиён-заҳмат етказиши, айти пайтда муттасил ичиб юривчи кишини ҳар томонлама пассивлаштиради. Бу ўз навбатида шахс руҳий оламнинг бузилиши билан боғлиқ касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Халқимиз орасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш, зарарли одатлардан ҳимояланиш каби масалаларда тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Аҳолининг ўз саломатлигига нисбатан эътиборли бўлиши, соғлигини назорат қилиш мақсадида шифокор қабулига бориб зарур тавсияларни олиши бу ўз-ўзидан киши ҳаётини ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилади. Айниқса, оғир асоратларга олиб келувчи ичкиликбозлик ва унга қарамлик ҳолатидан халос бўлиш, даволаш ва соғлом ҳаётга қайтиш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган масалалар бўйича маълумот беришни лозим топдик.

Аввало, алкоғолли психозлар ўзини қандай кўринишларда намоён бўлади? Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу касалликнинг клиник кўринишлари ва руҳий фаолият бузилиши билан боғлиқ таъсирлари ҳар хил тусда кечади. Ичкиликбозликнинг II ва III босқичларида модда алмашинуви бузилиши билан сурункали заҳарланиш кузатилади ва бунинг натижасида ички аъзолар шикастланади. Кўпинча улардан олдин соматик ва руҳий бузилишлар ривожланади. Кўп алкоғол психозлар (делирий ва галлюцинозлар) организмнинг алкоғолдан ўта заҳарланиш давридан кейин пайдо бўлади. Узоқ давр ёки сурункали кечадиган алкоғол галлюциноз ва вазъасавий психоз мобайнида конституционал ирсий аномалияга айланиши мумкин.

Алкоғол психозларнинг қуйидаги турлари ёки клиник кўринишлари мавжуд:

1. Алкоғолли делирий.
2. Алкоғолли галлюцинозлар.
3. Алкоғолли вазъасавий психозлар.
4. Алкоғолли энцефалопатиялар.

Суд-психиатрия амалиётида алкоғолли делирийлар, алкоғолли галлюцинозлар, алкоғолли параноидлар ва алкоғолли рашк вазъасалари (алкоғолли параноия) катта аҳамиятга эга бўлади.

Алкоғолли делирий (оқ алаҳлаш). Бошқа психозлар орасида тез-тез учрайди. Касалликнинг кунлаб, ҳафталаб кечадиган продромал (касаллик олди) даврида уйқунинг бузилишлари, хусусан тушдаги кўркүв, тез-тез уйғонишлар ва вегетатив белгилар билан, кундузи эса – астенит бузилишлар ва ўзгарувчан аффект (осон пайдо бўладиган чўчиш ва хавотирлик)лар билан кечади.

Алкоғолизмнинг учинчи босқичида алкоғолли психознинг продромал даври бўлмаслиги ҳам мумкин. Делирий асосан абстиненция ҳолатида, ичкиликбозликни тўхтатгандан сўнг, бир неча соат ёки бир неча кундан кейин юзага

келади. Делирий ҳолатининг ҳамма белгилари кечга бориб ёки тунда кучаяди, кундузи эса йўқолиши мумкин. Беморда ҳаяжонланиш, кўп гапириш, фикрлар ва сўзлар кўпайиши, имо-ишора ва ҳаракатларнинг жонланиши, ўта сезувчанлик, кайфиятнинг тез ўзгариши, уйқусизлик, вегетатив ўзгаришлар пайдо бўлади. Делирий ҳолатлардан 10-19 фоизда тутқаноқ тутиш олдин келади; вербал галлюцинациялар ёки тасвирли вазъасалар кузатилиши мумкин.

Касаллик зўрайган даврда тўла уйқусизлик, фантастик иллюзиялар (парейдолиялар) ва ҳақиқий кўриш галлюцинациялари ривожланган бўлади. Галлюцинациялар кичрайтирилган зоопатик ёки “саҳнадагидек” кўришлар билан ифодаланади. Бемор кўзига ҳашаротлар, баликлар, илонлар, иплар, симлар, кам ҳолларда – катта ҳайвонлар, одамлар, ўликлар кўринади. Галлюцинациялар ҳаракатчан, ўзгариб турадиган бўлади, битта ёки ҳар хил бўлиб, бир-бирини калейдоскопик алмаштириб туради. Шу билан бирга, галлюцинацияларнинг мазмуни беморнинг хулқ-атворидан, ҳаракатидан, вазъасавий гаплари билан ифодаланади. Ҳаёли ўта бузилувчан, гапирётган гаплари узилган, қисқа сўزلардан иборат бўлади. Мимикаси, аффекти ўта ўзгарувчанлиги билан тавсифланади.

Баъзида кўнгли кенглиги, тушқунликка тушиши, ҳазилкашлик, ҳайрат, кўркүв бир-бирини алмаштириб туради. Таъкиб қилиш, вазъасавий гаплари ёки жисмоний зўриқиш, баъзан қизғаниш ҳоллари кўпроқ учрайди. Ташқи ҳодисаларга, вақт ва жойга бўлган мўлжалларнинг йўқолиши кузатилади, аммо ўз шахсларига бўлган мўлжал бузилмайди. Вақт мўлжалининг бузилиши – унинг узайиши ёки қисқаришида ифодаланади. Делирийни ҳосил қилувчи бузилишлар ташқи таъсиротлар (шифокор билан суҳбатда ва ҳ.к.) остида сусаяди – бу люцид даври деб аталади.

Делирий 3-5 кундан 1-2 ҳафтагача давом этиши мумкин. Соғломланиши кескин ёки аста-аста (литик) тўлқинсимон: бузилишларнинг сусайиши борган сари паст даражада қайталаниши билан кечади. Делирий неврологик, соматик, биринчи ўринда вегетатив бузилишлар билан кечади. Бунда титроқ, гандираклаш, мушаклар гипотонияси, рефлексларнинг кучайиб кетиши – гиперрефлексия, конвергенциянинг сусайиши, терлаш, юз терисининг қизариши, юрак уриши тезлашиши, артериал қон босимининг ўзгарувчанлиги, жигар катталаниши, склераларининг сарғайиши билан кузатилади. Кўпинча тана ҳарорати субфебрил бўлади, қонда эса лейкоцитоз ва лейкоциттар формуласи чапга силжийди, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги ошади, билирубин ва холестерин миқдори ҳам ошиб кетади. Тасвирлаб берилган делирий клиник кўри-

нишлари ўзгарувчан бўлишига қарамай, “типик” ва “классик” деб аталади. Ушбу психоз бошқа алкоғолли психозлар билан ўрин алмашиб туриши мумкин.

Ўткир алкоғолли галлюцинози (алкоғолли галлюцинатор вазъасавий синдроми). Кўпинча абстинент бузилишлар тасвирида намоён бўлади. Делирийдан фарқи, бунда тутқаноқ тутиш аломатлари бўлмайди. Ўткир алкоғолли галлюцинози кўққисдан бошланиб, кечкурун ёки тундаги уйқусизлик давомида ёки уйқуга кетиш олдида (гипнагогик эшитиш галлюцинози) – оддий товуш эшитиш ҳолатлари шаклланади. Бошида мазмун жиҳатдан нейтрал ақоазма ва фонемалар пайдо бўлади.

Беморнинг хатти-ҳаракатлари овоз-товушларига мос келиб, уларнинг безовта бўлиши, хавотирга тушиши, мавҳум хавф-хатарга қарши чораларни излаш ҳоллари кузатилади. Галлюциноз дебютида делириоз бузилишлар фрагментлари пайдо бўлиши мумкин.

Кейинчалик безовталаниш, кўркүв ҳолларига сўз эшитиш галлюцинациялари кўшилади – бунда нутқ, суҳбат ёки кўпчилик кишиларнинг сўзлашиши эшитилади. “Улар” беморни сўкишади, койишади, ҳақоратлашади, дўқ қилишади, огоҳлантиришади, буйруқ беришади ва ҳ.к. Унда таъсирчанлик йўқолади. Бу галлюцинациялар ўзгарувчан бўлиб, ҳар доим ўтмишдаги, ҳозирги вақтдаги реал ҳолатлар билан боғлиқдир. Вербал (сўз эшитиш) галлюцинацияларнинг интензивлиги бақирқача бориб, шивирлашгача пасайиб ўзгариб туради. Вербал галлюцинациялар кучайиб борганда – бир мавзуга монанд кетма-кет бир-бирини алмаштирувчи саҳналар каби кечувчи поливокал галлюциноз ривожланади. Масалан, бемор прокурор, холислар, адвокат, жабрланувчилар иштирокида ўзининг устидан олиб борилаётган суд жараёнини эштади ва бу ҳақда бемор ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганини кўриб ўтгандек таассурот қолдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда бундай ҳолатлар делириоз деб изоҳланади.

Психознинг бошланғич даврида ҳиссий вазъасалар пайдо бўлади. Улар асосан таъкиб этиш, айблаш, бузғунчилик руҳидаги вазъасалардир. Бемор асосан аниқ, унга таниш шахслар бошчилигида (қўшни, ҳамкасб, қариндошлар, хотини, эри, таниш-билиш) таъкиб этувчи “банда” ҳақида сўзлашади.

Галлюцинациянинг энг ривожланган вақтида бемор кўркүв, хавотирланиш, умидсизлик каби аффектив ўзгаришларни бошдан кечиради. Бемор ўзини ҳимоя қилади, қуролланади, милицияга мурожаат этади ёки ўз-ўзини нобуд қилади. Психоз асосан чуқур ва давомли уйқудан сўнг ёки аста-аста тугалланади. Охири ҳолда вербал галлюцинациялар сусайиб бораверади ва кундузи йўқолади. Бир вақтда ёки аста аффектив бузилишлар, вазъасавий ғоялар сўниб боради. Ўткир алкоғолли галлюциноз бир неча соатдан бир неча ҳафтагача ёки бир ойгача давом этади. Ушбу ҳолат – мукаммалашган, типик, алкоғол галлюцинози деб аталади.

Ўткир алкоғолли параноид (алкоғол таъкиб қилиш параноиди) – абстинент даврида юзага келади. Продромал даври қисқа бўлиб – вазъасавий мойиллиги, вербал иллюзиялари, хавотирлик билан ифодаланади. Вазъасавий ғоялари безовтала-

ниш, ҳаяжон, кўркүв, ҳаракат кўзгалувчанлиги ва қутилмаган хатти-ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқликда намоён бўлади. Тез орада кўриш ва эшитиш иллюзияларининг пайдо бўлиши кузатилади. Бемор хатти-ҳаракати ўзгаради, у таъкибчилардан қочиши, саросимада ўз-ўзига жисмоний шикаст етказиши, ҳаракатдаги транспорт воситасидан сакраши, совуққа қарамай кўчага чиқиб кетиши мумкин. Унга яқинидаги ҳар қандай нотаниш киши таъкибчи бўлиб туюлаверади. Бемор атрофдагиларнинг мимикасига, хатти-ҳаракатига, уларнинг сўз ва гапларига эътибор билан қарайдилар. Кўрган ва эшитганларини ўзига тааллуқли деб қабул қиладилар. Кечки пайт ва ярим тунда делириоз белгилари ва эшитиш галлюцинациялари пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат бир неча кундан бир неча ҳафтагача давом этади. Ушбу психоз бир неча ойларгача чўзилиб кетганда – сурункали алкоғолли параноид, деб юритилади.

Алкоғолли рашк вазъасалари. Параноид тарзида хулқ-атворга эга бўлган шахсларда, кам ҳолларда – шахс алкоғолли инқирозга учраганда намоён бўлади. Асосан, бундай вазъасавий ғоялари етилган ёшдаги эркакларда учрайди. Бошланишда турмушдаги хиёнат вазъасавий мастлик ҳолати ёки хумор синдроми даврида ривожланади. Беморларда гўё хотинлари ҳақида нотўғри фикрлар пайдо бўлади. Шу билан бирга улар далил-ашёлар қидириб, хотинларини кузатиб, уларнинг кийим-бошларини текширадилар. Кўпинча хотинлари аввал ҳам нотўғри йўлда бўлганлиги, болалари “уларники” эмаслиги тўғрисида гапирдилар. Аффектив ўзгаришлар тушқунлик – ғазаб тўла кайфият билан ифодаланади. Бемор кўпинча ўз хотинига нисбатан оғир хуруж ўтказиши билан боғлиқ бўлади. Ундан хиёнат сабабларини сўраб, айбини бўйнига олса, кечирини ваъда қилади. Бошқа ҳолларда беморда хотинлари томонидан моддий зарар етказиш вазъасалари кўшилади ҳамда бемордан “кутилиш” учун “заҳарлаш”, “афсунгарлик” вазъасавий ғоялари кузатилади. Ичкилик давом этилганда, бу психоз белгилари ўткирлашади ва беморнинг агрессивлиги кучайиб, атрофдагилар учун хавфли бўлиб қолади. Касаллик интензивлиги ўзгариб, узоқ йиллар давом этиши мумкин.

Касалликни алоҳида ва мажмуавий даволаш усуллари бор:

1. Дезинтоксикацион.
2. Витаминотерапия.
3. Антипсихотик.
4. Дегидратацион.
5. Десенсибилизация.
6. Симптоматик: юрак қон-томир тизими фаолиятини кучайтириш.
7. Гемодиализ, гемосорбция.

Ушбу хасталикнинг бошланғич давридаёқ даволаш ижобий самара беради. Беморни яхши парварилаш, унинг сўзларига қуроқ тутиб, хушмуомалалик кўрсатиш, эътиборли бўлиш, руҳий аломатлари сезилса дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиш муҳим аҳамият касб этади.

Отабек МАҲМУДОВ,
Республика руҳий касалликлар клиник шифохонаси
1-бўлим мудир.

Обуна – 2015

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.



Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақоалаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлиmidан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(8371) 233-13-22, 233-57-73.

Мутахассис маслаҳати

ЁЗ МАВСУМИГА ХОС

Ўткир юқумли ичак касалликлари билан қандай курашиш керак?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича ҳар йили 275 миллиондан ортиқ киши ўткир юқумли ичак касалликларига чалинади ва уларнинг 70 фоизга яқинини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Бунга қорин тифи, паратиф, сальмонеллез, ичбуруғ, вирусли гепатитнинг А тури ва бошқа бир қатор ўткир юқумли касалликлар кирди.

Бу касалликларни аксарият ҳолларда бактерия ва вируслар кўзгатиб, бемор ва бактерия ташувчи одамлар касаллик кўзгатувчилари манбаси ҳисобланади. Улар касаллик кўзгатувчиларини асосан, ўзининг нажаси орқали ташқи муҳитга чиқаради ва атроф-муҳитни шу касаллик кўзгатувчилари билан ифлослантиради. Масалан, ичбуруғ касаллиги билан оғриган беморнинг 1 грамм нажасида 1 миллионгача, қорин тифи билан оғриган бемор ёки бактерия ташувчининг 1 грамм нажасида 10 миллионгача касаллик кўзгатувчи бактерия бўлиши мумкин.

Ўткир юқумли ичак касалликлари кўзгатувчиларининг барчаси ташқи муҳитга анча чидамли бўлади. Масалан, қорин тифи кўзгатувчиси оқар сувда, сабзавот ва меваларда 5-10 кун, кўлмак сувда 1 ойгача, нон ва нон маҳсулотлари юзасида бир неча кун давомида тирик сақланса, вабо кўзгатувчилари оқар сувда 18 кундан 5 ойгача сақланади. Вабо кўзгатувчиси сувда ва сальмонеллез кўзгатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларида қулай шароитда ҳаттоки кўпайиши ҳам мумкин.

Ўткир юқумли ичак касал-

ликларининг юқиш йўллари бири-бирига ўхшаш бўлса-да, уларнинг ҳар бирига хос етакчи юқиш омилли бор. Масалан, қорин тифи ва вабо касалликларида етакчи юқиш омилли сув ҳисобланса, сальмонеллез касалликларида эса озиқ-овқат маҳсулотлари етакчи юқиш омилли ҳисобланади. Ёз ойларида ўткир юқумли ичак касалликлари омиллари фоллашади. Аҳоли кўпроқ сув, ҳар хил чанқовбосди ичимликлар ичади, мева-сабзавот, кўкат истеъмол қилади ҳамда касаллик кўзгатувчилари билан ифлосланган очиқ сув ҳавзаларида чўмилиб, ўткир юқумли касалликларни юқтириб олишлари эҳтимолдан холи эмас. Касалликлар мавсумий характерда бўлиб, асосан йилнинг ёз ва куз ойларида кўпроқ учрайди, чунки бу фаслларда касалликнинг юқиш омиллари фоллашади.

Касаллик кўзгатувчиларининг одам организмга тушиб, токи касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлгунча қадар маълум муддат ўтади. Бу давр касаллик белгиларисиз кечади ва бунга касалликнинг яширин даври дейилади. Бу давр бир неча соатдан 21 кунгача давом этади. Касалликнинг яширин даври турига қараб, қисқариши ёки чўзилиши мумкин. Бу давр касаллик кўзгатувчисининг айрим хусусиятлари ва одамнинг иммунитетига боғлиқдир.

Беморда ҳолсизлик, кўнгил

айнаши, қусиш, ич суюқ кетиши, тана ҳарорати кўтарилиши каби клиник белгилар кузатилади. Агар беморга ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу касалликлар ўзидан бир қанча асоратлар қолдириши мумкин. Бунга ичак фаолиятининг бузилиши, ичакдаги яралардан қон кетиши, ичак деворларининг тешилиши, ўткир буйрак етишмовчилиги ва ҳоказолар кириши мумкин.

Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги, хонадонларда, жамоат жойларида тозаланиш ва обондонлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириш, умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланадиган корхоналарда санитария-гигиена талабларига риоя қилиш ҳамда аҳоли тиббий-санитария маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиқиб, кўллари совунлаб ювиш, тирноқларни ўз вақтида олиш, шахсий гигиена воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Бозорларда, кўчаларда сифати кафолатланмаган, кўлда (уй шароитида) тайёрланган яхна ичимлик – шарбат, айрон ва компотларни истеъмол қилмаган маъқул. Ўткир юқумли ичак касалликлари асосан, 3 ёшгача бўлган болалар ўртасида кўпроқ учрашини инобатга олиб, ота-оналарга, мактабгача таълим муассасаси тарбиячи ва энгаларига қуйидагилар тавсия қилинади:

- мунтазам равишда болани педиатр врач кўригидан ўтказиб туриш;
- бола парвариши билан шу-

ғулланувчилар шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши, кичкинтойни ҳам шунга кўниктириши;

- эмизикли оналар болани эмизидан олдин кўлини совунлаб ювиши ва сўнгра эмизиши;
- совуткичда узоқ муддат сақланган таомларни едирмаслик,



уларни тўғри келган озиқ-овқат маҳсулотлари билан озиқлантирмаслик;

- сув ва хом сутни албатта қайнатиш;
- кўчадан уйга кирганда, бола оғвақат тайёрлашдан олдин ва уни оғвақатлантиришдан аввал кўллари совунлаб ювиш;
- бола учун алоҳида сочиқ ажратиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини пашша, суварак ва бошқа бўғим-моёқлилардан асраш;
- болаларнинг бармоғини сўришига йўл қўймастик;
- бозор ва кўча-кўйда сотила-

ётган мева-сабзавотларни оқар сувда ювмасдан татиб кўрмаслик зарур.

Соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилган киши нафақат ўткир юқумли ичак, балки бошқа касалликларга ҳам чалинмайди. Туман, вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари, кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг шифокорлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришса, мақсадга мувофиқдир.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш минг бор афзал эканлигини унутманг!

Хусан САПАРОВ,
Республика давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2015 йил 24 июндаги 8-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг амал қилиши лицензиатларнинг ўз хоҳишига кўра ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан тугатилган ва вақтинча тўхтатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

Ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраб мурожаат этган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6-А уй	"BARHAYOT TIR-SFRVIS" МЧЖ	Ю-0590 31.05.2010 й. берилган. Амал қилиши 31.05.2015 йилда тугатилган.
2	Фарғона вилояти	Кува тумани, Қайқубот Янги чек кўчаси	"МУНОЖАТ ШИФО" хусусий корхонаси	Ю-0628 22.06.2010 й. берилган. Амал қилиши 22.06.2015 йилда тугатилган.
3	Андижон вилояти	Андижон шаҳри, 6-тор Мухитдинов кўчаси, 16-уй	"IMMUNITET MED SERVIS" МЧЖ	Ю-1082 18.10.2011 й. берилган
4	Наманган вилояти	Чортоқ тумани, Чортоқ шаҳри, А.Навоий кўчаси, 4-уй	"OLMOS SHIFO CHORTOQ" хусусий корхонаси	0632-01 17.07.2012 й. берилган. Амал қилиши 22.06.2015 йилда тугатилган.
5	Самарқанд вилояти	Тойлоқ тумани, Сочаки бало ҚФЙ, Равот кишлоғида	"TAYLOQ RAVOT-SHIFO" хусусий корхонаси	Ю-0800 23.12.2010 й. берилган
6	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Сартело маскани, 148/42-уй	"ISHKUVAT STOMA SERVIS" МЧЖ	Ю-0540 30.04.2010 й. берилган. Амал қилиши 30.04.2015 йилда тугатилган.
7	Қашқадарё вилояти	Шахрисабз тумани, Ипак Йўли кўчаси, 154-уй	"ДУСТМУРОДОВ СУЮН БЕКМУРОДОВИЧ" фирмаси	Ю-0647 27.07.2010 й. берилган
8	Бухоро вилояти	Ғиждувон шаҳри, Ф.Эшпўлатов кўчаси, 7-уй	"Ultrasonografiya-PRIM" хусусий корхонаси	Ю-0570 31.05.2010 й. берилган. Амал қилиши 31.05.2015 йилда тугатилган.
9	Хоразм вилояти	Хонқа тумани, Авезова кўчаси, 1-уй	"SAMANDAR MAQSUD DFNT" хусусий корхонаси	1294-00 04.05.2012 й. берилган

Ўз хоҳишига кўра амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Почта ва тиббий фаолият манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент шаҳри	Яккасарой тумани, ИТР кўчаси, 1-уй, 16-хонадон	"NN YANGI LAZER CHIROY" МЧЖ	У-6246-02 03.04.2013 й. берилган	05.06.2015 йилдаги хатига асосан амал қилиши 1 ойга вақтинча тўхтатилди (05.06.2015 йилдан 05.07.2015 йилга қадар).
2	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 12-мавзё, А.Дониш савдо мажмуаси биносида	"GLORY MEDICAL SERVICE" МЧЖ	2387-00 11.02.2014 й. берилган	29.05.2015 йилдаги 29/05-151-сонли хатига асосан амал қилиши 4 ойга вақтинча тўхтатилди (01.06.2015 йилдан 01.10.2015 йилга қадар).
3	Фарғона вилояти	Кўкон шаҳри, 17-сонли Калвак МФЙ, Шохрўҳобод кўчаси, 4-уй	"QO'QON ORTO SERVIS" МЧЖ	2305-00 10.12.2013 й. берилган	11.06.2015 йилдаги 34-сонли хатига асосан амал қилиши 1 ойга вақтинча тўхтатилди (01.07.2015 йилдан 01.08.2015 йилга қадар).
4	Фарғона вилояти	Бувайда тумани, Ибрат ШФЙ, Янги кўрғон кишлоғи, Келажак кўчасида	"GIPPOKRAT MED SERVIS" хусусий корхонаси	1535-00 23.10.2012 й. берилган	11.05.2015 йилдаги 878-сонли хатига асосан амал қилиши 3 ойга вақтинча тўхтатилди (01.06.2015 йилдан 31.08.2015 йилга қадар).

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Почта ва тиббий фаолият манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Тошкент вилояти	Зангиота тумани, Йттифок ҚФЙ, тарнов кишлоғи	O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI DATK TEMIR YO'LCHILAR VA TRANSPORT QURUVCHILARI KASABA UYUSHMASI MARKAZIY QO'MITASI "NAZARBEK" SANATORIY-PROFLAKTORIYSI	1336-00 04.05.2012 й. берилган	Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 10 июндаги 11-1508/6794-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тугатилди.
2	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 128-уй	"SAM SO'ZANI PLUS" МЧЖ	Ю-1113 15.11.2011 й. берилган	Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 12 июндаги 14-1505/8764-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тугатилди.
3	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри, Тўрткўл гузари кўчаси, рақамсиз уй	"YANGI NIGON" жеке меншик корхонаси	2436-00 31.03.2014 й. берилган	Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2015 йил 22 майдаги 23-1504/5773-сонли ҳал қилув қарорига асосан лицензиянинг амал қилиши тугатилди.



Юртимизда яна бир ёш оила мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўймоқда. Уларнинг орзу умидлари кўп. Келажакда улардан туғилажак фарзандлар кучли, доно ва албатта бахтли бўладилар.

Тадбир

ДИПЛОМ
ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Сергели тиббиёт коллежида бу йилги битирувчиларга диплом топшириш маросими ўтказилди.

Тадбирни коллеж директори Собир Турсунов кириш сўзи билан очиб, малакали кадрларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти ҳамда фуқаролар саломатлигини сақлашда ўрта-махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг муносиб ўрни борлигини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда коллежда ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, замонавий ахборот ресурс марказлари давр талабига мос жиҳозланган.

Коллежни бу йил 723 нафар ўқувчи битириб чиқди. Эътиборлиси, битирувчиларнинг 54 нафари имтиёзли дипломга сазовор бўлди.

Тантанали маросимда Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими маркази бош мутахассиси Қ. Бобожонова, "Маданият" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М. Сулаймонова, маҳалла инспектори Ж. Курбонов ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Тадбир коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий-муסיқий дастур билан яқунланди.

Муҳаббат НАЗАРОВА,
Сергели туман тиббиёт коллежи директорининг
Маънавият ва маърифат ишлари
бўйича ўринбосари.

Жараён

ЗАМОНАВИЙ СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ



Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси болалар стоматология поликлиникасида тиш касалликлари самарали даволанмоқда.

Замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган шифо масканида қабул, рентген, тишни даволаш хизматлари йўлга қўйилган. 70 дан зиёд малакали тиббиёт ходими болаларда учрайдиган тиш хасталиқларининг олдини олиш, профилактика тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Суратлар муаллифи
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.
(ЎЗА).



Соғлом авлод – Ватан келажаги

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тиббий кўрик касалликнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни йўқотиш лозим бўлган соғломлаштириш муолажаларини кечиктирмай кўрсатишдир.

Тиббий кўриқдан кўп тармоқли поликлиника, оилавий поликлиника, кишлоқ врачлик пункти ҳамда турли касалликларга қарши кураш диспансеридан ўтилади. Ҳар бир инсон тиббий кўриқдан ўз яшаш манзилидаги оилавий поликлиника, кишлоқ врачлик пунктида йилига икки мартаба ўтиши керак. Кўриқдан ўтувчи кишига шифокор томонидан қуйидаги ишларни амалга ошириш буюрилади:

- умумий қон, сийдик таҳлили;
- қон босимини ўлчаш;
- флюорография текширувидан ўтиш;
- тор доирадаги мутахассис-

лар қабулида бўлиш.

Ҳар бир инсон йилига бир мартаба флюорография кўригидан ўтиши лозим, бу билан у нафас олиш аъзолари касалликларининг олдини олган бўлади.

Соғлом оила – жамиятни ривожлантирувчи куч ҳисобланади. Истиқлол йилларида бу масалага давлат микёсида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган 365-сонли қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомига кўра, ёш йигит-қизлар никоҳдан аввал тиббий

кўриқдан ўтишлари зарур. Бунда бўлажак келин-куёвлар сил, теританосил, гиёҳвандлик, ОИВ инфекцияси, руҳий касалликлар бўйича текширилади. Ижтимоий жиҳатдан хавфи юқори бўлган бу касалликлар бевосита наслга таъсир қилгани учун ҳам тиббий кўрик жорий этилди. Бўлғуси эр-хотинга ФХДЁлари томонидан берилган йўлланма тиббий кўриқдан ўтишдаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Бўлажак келин-куёвларга алоҳида тиббий карта очилади. Бу картада уларнинг шахсига оид барча маълумотлар ҳамда текшириш натижалари тўлиқ ҳажмда акс эттирилиши керак. Келин-куёвлар психиатр, дерматовенеролог, нарколога, фтизиатр ва терапевт кўригидан, ОИВ инфекциясига қон таҳлили, флюорография текширувидан ўтадилар.

Никоҳланувчилар учун тиббий кўриқдан ўтиш бепул амалга оширилади. Никоҳ қайд этилгунга қадар ҳар иккала томон тиббий кўрик натижаларидан бир-бирини хабардор қилиши лозим. Тиббий кўрик натижасида дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, бу шахслар белгиланган тартибда тегишли даволаш-профилактика муассасаларига юборилади.

Ҳар бир йигит-қиз ёки ота-оналар янги оила куриш масаласига масъулият билан қараса, никоҳга кирувчиларнинг насли соғлом бўлади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт эса тинч-осойишта бўлади.

Турмуш бу икки ёшнинг биргаликда мустақил ҳаётга қўяётган қадамидир. Неча ёшдан турмуш куриш керак?

Тиббиёт хулосалари бўйича оила куриш учун энг мақбул давр қизларга 20-24, йигитларга эса 24-26 ёш ва уларнинг ёшлари орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Никоҳланувчи шахслар қариндош-уруғ бўлмаслиги салбий оқибатларнинг олдини олади, шунингдек, эрта турмуш куришга қонунда йўл қўйилмайди. Бундай никоҳларни туғма ва ирсий касалликлар келтириб чиқариши мумкин. Никоҳдан аввалги тиббий кўрик оила курадиган ёшларнинг тегишли мутахассис кўригидан ўтиб, ўз соғлиги ҳақида қайғуришидир. Кўрик вақтида аниқланган касалликлар никоҳ қайд этилгунга қадар даволаниши керак.

Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4608 нусха.
Буюртма Г-758.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

